МАСЪУЛИЯТСИЗ БАНКИРЛАР

Масъул мансабдорларнинг бундай ҳаракати натижасида солиқ органи томонидан банкка 5 млн. 654 минг 600 сўмлик пеня ҳисобланади ва филиал манфаатларига жуда кўп миқдорда зарар етказилади.

2 бет

ИПОТЕКА УЙЛАРИ КЕЛАЖАК УЧУН

Бугунги кунда республикамизнинг ҳар бир вилоят марказларида ҳамда Тошкент шаҳрида жами 33 та кўп каватли уй-жойлар яъни, 1092 та квартира қурилиши бошлаб юборилди.

9 бет

ЎҒЛИНИ ЎЛДИРГАН... ОНА

Шу пайтда ўғлининг ўлимига ҳам рози эди. «Худо унинг жонини олмаса, ўзим оламан!» деган мудҳиш ўй хаёлини чирмаб олди. Ўз жигар-бандига шундай нафрати ошдики, она эканлигини ҳам унутди.

10 бет

МАФИЯГА ҚАРШИ

...Италия полицияси мафияга алоқадорликда гумон қилинган 41 кишини ҳибсга олди. «France Presse» ахборот агентлигининг хабар беришича, ушланганларнинг уч нафари полиция зобитларидир.

11 бет

Mustaqillik huquq demakdir

Huquq

1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan

2008-yil 14-fevral, № 07 (580)

O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI BOSH PROKURATURASINING NASHRI

БУРЧ ВА МАСЪУЛИЯТ

КЕЛГУСИДАГИ ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Якинда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа Вазирлигига қарашли марказий офицерлар саройида Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари — Республика Ҳарбий прокурори Шухрат Узаков раислигида мувофиқлаштирувчи кенгаш йиғилиши бўлиб ўтди. Республика Ҳарбий прокурори ўз маърузасида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида қонунийликни мустаҳкамлаш, ҳарбий хизматчилар ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва ҳарбий қўмондонликлар 2007 йил давомида ижобий натижаларга эришилганлигини таъкидлаб ўтди.

Кенгаш йиғилишида Мудофаа, Фавқулодда вазиятлар вазирликлари раҳбарияти, МХХ Чегара Қўшинлари ҳамда Ички Ишлар вазирлиги Қоровул Қўшинлари қўмондонлиги вакиллари ҳарбий интизом ва ҳуқуқ-тартибот аҳволи ҳақида маъруза қилдилар. Шунингдек, йиғилиш иштирокчиларининг асосий эътибори 2008 йил «Ёшлар йили» деб эълон қилинганлиги муносабати билан армиямизнинг ўзагини ташкил этадиган ёш офицерлар, сержант ҳамда аскарлар ва уларнинг оилаларини ижтимоий ҳимоялаш, уй-жой билан таъминлаш, ижтимоий маиший шароитларни яхшилашга йўналтирилган ишларни изчиллик билан олиб боришга қаратилди.

Мувофиқлаштирув кенгаш йиғилишида 2007 йил якунлари бўйича ҳуқуқ-тартиботни таъминлашда юқори кўрсаткичларга эришган Андижон ҳарбий прокурори **Б.Худайбердиевга «Йилнинг энг яхши давлат айбловчиси»**, жанубий-ғарбий алоҳида ҳарбий округ ҳарбий прокуратураси терговчиси **Д.Темираливга «Йилнинг энг яхши терговчиси»** эсдалик нишони ҳамда бир қатор ҳарбий прокуратура ходимларига фахрий ёрлиқлар топширилди.

Мувофиқлаштирувчи кенгаш йиғилишида кўрилган масалалар бўйича келгусидаги вазифалар белгиланиб, тегишли қарор қабул қилинди.

Б.МИРМАҲМУДОВ,
Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурорининг катта ёрдамчиси

МАХСУС МАВЗУ

ИМКОНИЯТЛАР МАМЛАКАТИ

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов томонидан 2008 йил «Ёшлар йили» деб эълон қилинди. Шубҳасиз, бу ташаббус олиб борилаётган ишларга янада ривож, ўзгача руҳ бағишлаяпти десак муболаға бўлмайди. Негаки, ўз келажаги, ёшларини ўйлаб ислоҳ юритган ҳар бир давлат аҳолиси, қолаверса, жаҳон ҳамжамияти орасида янада каттароқ ишонч ва ҳурмат қозониши муқаррар.

Ҳар бир давлатда аҳолининг ижтимоий ҳимояси биринчи галдаги вазифа сифатида эътироф этилади. Таъкидлаш жоизки, аҳолига, айниқса ёшларга мустақилликнинг илк кунлариданоқ катта эътибор берилди. Ёш оилаларга ёрдам кўрсатиш, уларнинг мустақил ҳаётда ўз ўрниларини топа олишлари учун кўплаб имтиёзлар бериш ҳукуматимизнинг узвий сиёсатига айланди. Бу борада ёшларга ҳовли-жой ёки квартира сотиб олишлари учун имтиёзли кредитлар беришнинг жорий этилишини муҳим ижтимоий қадам сифатида эътироф этиш мумкин. Республикамизнинг барча банкларида кредитнинг мазкур тури очилиб, ҳозирги кунга қадар кўплаб ёш оилалар ўз бошпаналарига эга бўлишди. Шу билан бирга бундай кредитлар асосида янги уйлар қурилаётганлигини эътибордан четда қолдирмаслик керак. Эндиликда ёшлар имтиёзли кредит олишлари билан бирга, шу кредит маблағи эвазига янги, замонавий услубда қурилган уй-жой сотиб олишлари мумкин бўлади.

(Давоми 9-бетда).

БУГУН БОБУРМИРЗО ТАВАЛЛУД ТОПГАНИГА 525 ЙИЛ ТЎЛДИ

БОБУРНИНГ ҲУҚУҚИЙ ҚАРАШЛАРИ

Заҳириддин Муҳаммад Бобур XVI аср бошларида Ҳиндистонда «Буюк бобурийлар салтанати»га асос солган ҳукмдор бўлиши билан бирга, ўзидан сўнг бой ҳуқуқий мерос қолдирган фиқҳшунос ҳамдир.

Бобурнинг подшоҳ сифатида чиқарган кўплаб фармонлари шариат меъёрларидан келиб чиқиб қабул қилинган. Уларнинг ҳуқуқий табиатида, мазмун-моҳиятида адолатпарварлик, инсонпарварлик ҳамда ватанпарварлик, ҳақ йўлида жаҳолатга қарши курашиш, мақсад сари ғайрат-шижоат билан интилиш каби ғояларнинг ўз аксини топган.

Бобурнинг ҳуқуқий қарашлари шариатга асосланган бўлиб, у шариат меъёрларини одамлар ўртасида адолатли муносабатлар ўрнатишнинг муҳим воситаси деб билган. Унинг фикрича, шариат аҳкомлари-ҳақиқий инсоний муносабатларга эришиш, жамиятда тартиб ўрнатиш, зулм қилмаслик ва бошқалар ҳуқуқини топтамасликка, ўзининг мавқеини суиистеъмол қилиб, шахсий манфаатлари йўлида адолатсизлик ва ҳақсизлик қилганларни тегишли равишда жазолашга чақиради.

Бобурнинг ҳуқуқий қарашларида айниқса, унинг закот, яъни солиқлар ҳақидагиси алоҳида ўрин тутади. Бобурнинг закот тўғрисидаги қарашлари умрининг сўнгги йилларида, аниқроғи 1521 йилда ўғиллари Ҳумоюн Мирзо ва Комрон Мирзоларга атаб ёзган «Мубаййин» асарида ўз ифодасини топган.

Маълумки, Ўрта асрларда мамлакат даромадининг жуда катта қисмини аҳолининг турли ижтимоий табақаларидан олинадиган солиқлар ташкил қиларди. Бу мамлакатнинг ҳаёт-мамот масаласи эди. Чунки мамлакатнинг иқтисодий ва ҳарбий қудратини таъминлайдиган омил хазинадир. Шунинг учун Бобур шариатга асосланган анча мукаммал солиқ тизимини ишлаб чиқди. «Мубаййин» асарининг учинчи қисми гарчи «Китобу-з-закот» («Закот китоби») деб аталса ҳам, унда асосан давлатнинг солиқ тизими баён қилинади.

Шунинг учун ҳам «Мубаййин» асари бобурийлар салтанатининг солиқ сиёсати ҳақидаги энг қимматли манбадир.

Бобур солиқни исломнинг бешта фарзидан бири бўлган закот бобида баён қилиб, солиқ тизимига шаръий тус беради:

«Бобур учунчи фарз бўлди закот,
Анда дер сўзни айтайин санга бот.
Анда-ким ушбу фарз эди мастур,
Иститоъат бўлуб эди мазкур

Хўш, қандай мулк, даромад ва маблағлардан закот, яъни солиқ олинади? «Мубаййин»да таъкидланишича булар тўрт хил: нақд пул, яйловдаги чорва, муомаладаги тижорат моллари ва ердан олинадиган ҳосилдир.

Демак, юқорида келтирилиб ўтилганича, Бобур давлатида закот моллари тўртга бўлинган:

1) нақдина — пул солиғи;

2) савойим — мавжуд моллари учун тўланадиган солиқ;

3) тижорат — савдогарликдан тушадиган даромаддан олинадиган солиқ;

4) ер солиғи.

Савдогарликдан тушадиган даромаддан олинадиган солиқ икки турга:

а) нақдина — мусулмон савдогарлардан олинадиган пул солиғи;

б) тижорат амволининг баёни — мусулмон бўлмаган савдогарлардан олинадиган пул солиғига бўлинган.

Бобур савдодан олинадиган тамға солиғини бекор қилиб, мамлакатда деҳқончилик билан боғлиқ солиқ тизимини қуйидагича ўзгартиради:

а) мукассама — етиштирилган ҳосилдан бир қисми натура шаклида тўланадиган солиқ;

б) муваззаф — қайд қилинган ердан олинадиган солиқ.

Бобур ҳукмдорлиги даврида хорижий мусулмон савдогарлардан умумий даромаднинг йигирмадан бир қисми миқдорида солиқ ундирилган, яъни йигирма мисқол олтиндан бир мисқол олтин миқдорида солиқ олинган. Савдогарнинг даромади кўпайиб борган сари, даромаддан давлатга тўланадиган солиқ миқдори камайиб борган.

Бобур давлатида ғайридин давлатига мансуб савдогардан эса уларнинг мамлакатида мусулмонлардан қанча миқдорда солиқ олинаётган бўлса, шунча миқдорда солиқ ундирилган. Савдогарларнинг фаолияти ва манфаатлари давлат томонидан қўриқланган ҳамда давлат уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган қатор чораларни ишлаб чиққан.

Бобур салтанатида сотиш учун нарса ва буюмларни сотиб олган савдогарлардан савдо тўлови олинмаган.

Бобурнинг таъкидлашича, чорвадан (қўй, эчки, қорамол, йилқи, туя) олинадиган солиқ яйловларда камида ярим йилдан ортиқ, боқилаётган, бир ёшдан ошган, сони 40 дан кам бўлмаган отарлардан олинади — 40 қўй ё эчкидан 1 тадан, 120 тадан эса 2 тадан олинади. Агар қўй ва эчкининг миқдори 400 тадан ошса, 10 мингтага етгунча ҳар 100 бошдан 1 та закот олинади.

Қорамол, от ва туяга нисбатан олинадиган солиқ миқдори бироз бошқачароқ. Уларнинг сони 30 тага етганда, 30 тадан 1 та бир ёшли мол, 60 тадан 2 та бир ёшли мол олинади. 5 та туядан эса 1 та қўй, 10 тадан иккита, 15 тадан 3 та олинади. 26 та туядан 1 та уч ёшли, 46 тадан 1 та тўрт ёшли, 61 тадан бошлаб 1 та бир ёшли туя олинади.

Бундай солиқ тизими чорвачиликни ривожлантиришдан давлатнинг манфаатдор бўлганлигидан далолатдир. Чунки чорва миқдори ошиб бориши билан олинадиган солиқ миқдорининг камайиши чорва эгаларини маълум даражада рағбатлантириб, уларнинг чорвани ривожлантиришдан манфаатдорлигини оширади.

Бобурнинг диний-ҳуқуқий қарашлари ифодаланган «Мубаййин» асарининг муҳим томонларидан бири шуки, унда закотдан олинган маблағлар аҳолининг қайси ижтимоий гуруҳига тақсим қилиниши керак, деган масала ўртага ташланади. Бобурнинг кўрсатишича, булар саккизта:

1) фақирлар; 2) касб-корга эга бўлмаган мискинлар; 3) мол-мулкка эга бўлмаганлар; 4) муаллафа-и қулуб (қуйи табақалардан бири-О.Ҳ.); 5) мукотаб, яъни тўсатдан молмулкдан айрилиб қолганлар; 6) қарздор муҳтожлар; 7) ғозийлар ва ҳожилар; 8) ғариблар.

Бобур ҳамиша аҳолидан олинадиган солиқлар адолатли бўлиши ва бу солиқлардан йиғиладиган маблағлар салтанатнинг ва шу салтанат аҳлининг бойиши ҳамда равнақи учун хизмат қилиши тарафдори бўлган.

У ўз даври учун анча мукаммал бўлган солиқ ҳуқуқининг асосларини ярата олган ва давлатни бошқаришда нафақат ўзидан олдин ўтган ҳукмдорларнинг ҳуқуқий тажрибасидан, балки ўзи ҳам даври учун илғор бўлган муайян ҳуқуқий ғояларни илгари сурган ва улардан давлатни бошқаришда самарали фойдаланган.

Олимжон ХУСАНБОЕВ,
ТДЮИ доценти

КАМОМАДНИ ЁПОЛМАДИ

Қишлоқ хўжалигининг асосий тармоқлари — пахтачилик ва ғаллачиликни ривожлантириш, бу соҳадаги ислоҳотларни амалга оширишда химиявий ўғитлардан фойдаланишнинг аҳамияти катта. Бунинг учун эса таъминотчи корхоналарнинг масъулиятини ошириш талаб этилади. Афсуски, бу ишга масъул бўлган «Қишлоқхўжаликкимё» тизимидаги барча корхоналарни ҳам қонун талаби доирасида ишлаяпти деёлмаймиз. Ана шундай ҳолатни Арнасой тумани филиалига қарашли «Туркистон» агрохизмат марказида жойлашган минерал ўғитлар ва заҳарли химикатлар сақлаш ва фермерларга етказиб бериш шахобчаси мисолида кўриш мумкин.

Шахобча мудири Абсаид Суюнов 2005 йилнинг январидан 2007 йилнинг март ойигача ўзи моддий жавобгар шахс бўлгани ҳолда катта миқдордаги минерал ўғитларни талон-торож қилди.

У 244 млн. 6 минг 834 сўмлик кимёвий ўғитларни жавобгарлигига қабул қилганди. Лекин у минерал ўғитларни фермер хўжаликларига тарқатиш жараёнида 10 млн. 111 минг 712 сўмлик минерал ўғитларни растрата қилиб, талон-торож қилишга улгурди.

А.Суюнов ўз жиноий ҳаракатларини давом эттириб, юқорида таъкидланган суммадаги минерал ўғитлар камомадини ёпиш учун ҳисоботларга сохта маълумотлар киритди. Лекин бу унинг қилмишларини ёпа олмади.

Қонун олдида ҳамма тенг. Бу сафар ҳам шундай бўлди. Ўз айбини бўйнига олишдан бошқа чора қолмагач, у «Қишлоқхўжаликкимё» Арнасой тумани филиали ҳисобига 2 млн. сўм нақд пул топширди. Ўзининг ДТ-75 русумли тракторини 6 млн. 551 минг 400 сўмга баҳолаб, жами 8 млн. 551 минг 400 сўмлик зарарни қоплади.

Ушбу ишни кўриб чиққан жиноят ишлари бўйича Арнасой туман суди Абсаид Суюновни 3 йил муддатга моддий жавобгарлик вазифаларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиб, 3 йил алоқ тузатиш ишларига жалб этиш юзасидан ҳукм чиқарди. Унинг иш ҳақидан ҳар ойда 25 фоизи давлат ҳисобига ушланиб, мажбурий меҳнатга жалб қилинди. Зарарнинг қопланмай қолган 1 млн. 560 минг 312 сўми А.Суюновдан филиал фойдасига ундириладиган бўлди.

Дилшод БОЙНАЗАРОВ,
Арнасой туман прокурори

Инсон ва унинг ҳуқуқларини ҳурмат қилиш азалдан халқимиз табиатига хос хислатдир. Бугунги кунда ҳам инсоний ҳуқуқ-эркинликлар ва бурчлар доираси жамият ривожланиши билан кенгайиб, такомиллашиб бормоқда. Асосий қонунимизнинг алоҳида бир боби «Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг кафолатлари» деб номланиши ҳам бежиз эмас.

Бағрикенглик тимсоли

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 15 йиллиги муносабати билан Амнистия тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида Андижон вилоят прокуратураси томонидан ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Қарорга асосан озодликдан маҳрум этиш жойларида жазо ўтаётган ва жамият учун энг кам хавф туғдирувчи шахсларнинг озод этилиши назарда тутилган. Уларнинг яшаш жойларига етиб бориб, тўлиқ ҳисобдан ўтишлари, жойлашишлари, паспорт билан таъминланишлари, ёлғиз ва ёрдамга муҳтож шахсларнинг ногиронлар ва қариялар уйларига жойлаштирилиши, вояга етмаганларни ота-оналарининг ёки васийлик ва ҳомийлик органлари назоратига топширилиши, зарур ҳолларда тегишли таълим муассасаларига юборилиши юзасидан тегишли тадбирлар ишлаб чиқилиб, жойларга кўрсатмалар берилди.

Яқинда Андижон шаҳридаги жазони ўташ муассасасида мазкур қарор ижроси бўйича тадбир бўлиб ўтди. Тадбирда Андижон вилоят прокуратурасининг суд қарорларини ижро этишда ва қамоққа олинганларни сақлашда қонунларга риоя этилиши устидан прокурор назорати бўлими бошлиғи Бахтиёржон Қорабоев мазкур қарор ва унинг аҳамияти ҳақида гапирди. Шундан сўнг жазодан озод этилаётган бир неча маҳкумларга озод этилганлиги ҳақидаги қарор берилди.

Қарорни олганлардан бири Авазбек Жўраевдир. Жалақудуқ туманида оиласи билан яшовчи Авазбек нима бўлди-ю, тўғри йўлдан адашиб, ўғирликка қўл урди. Суд унинг қилмишига яраша жазо тайин этди.

Яхшиямки, давлатимиз адашган кимсаларни ҳаётга қайтариш, жамиятнинг тўлақонли аъзосига айлантириш йўлида қайғуради. Яқинлари бағрида яшашга имкон беради.

Авазбек шу ерда ўтказган қисқа муддатли даврида умрининг олтинга тенг дамларини, соғинчли онларини, изтиробли кунларини эслар экан, шундай деди:

— Бу дамларни ўтмишга айлангани рост бўлсин. Худо хоҳласа, бир олам орзулар билан уйга қайтаяпман. Ниятим фарзандларимни ўқимишли, эл-юрт корига ярайдиган қилиб тарбиялаш. Биласизми, инсон қачонки бирор нарсасини йўқотсагина, ўшанинг қадрини билар экан. Мен жиноятга қўл урган кунимнинг ўзидаёқ ўзим учун ҳам, ўзгалар учун ҳам азиз ва қадрли барча нарсани йўқотган эканман. Буни кеч бўлса-да, англаб етдим.

Ҳа, энди Авазбек бу адашиш қанчалик кулфатлар келтирганини тушуниб етди. Энди у ўзига кўрсатилган ғамхўрликнинг қадрига етса бўлди.

Ана шундай адашганлардан яна бири Садриддин Жўраев эди. У ҳам масъулиятсизлиги туфайли шу муассаса «меҳмони» бўлди.

— 23 ёшимда жиноят туфайли озодликдан маҳрум этилдим, — дейди у. — Осон пул топиш илинжида ўғирлик қилиб шундай жазога тортилдим. Қилмишимдан пушаймон бўлдим. Ҳайриятки, давлатимиз инсонпарвар. Мен каби адашганларга имконият берди. Ўтган йили ҳам амнистия туфайли жазо муддатим ўндан бир қисмга қисқартирилганди. Бу йил эса жазодан озод этилдим.

Биз кутиб олувчилар даврасида турган онахон ёнига бориб, уни суҳбатга тортдик.

— Мен ҳозир жазодан озод этиладиган Умиджон Ўринбоевнинг онаси бўламан. Ўғлим адашиб, шу ерларга келиб қолувди. Мана, бугун ҳукуматимиз томонидан кўрсатилаётган ғамхўрлик туфайли жазодан озод этилиб, яна оиласи, яқинлари бағрига қайтаяпти. Бунинг учун давлатимиздан, Президентимиздан миннатдормиз.

Ўйлаймизки, жазодан озод этилганларнинг барчаси бу олижанобликка ҳалол меҳнатлари, оиласига садоқати ва юртга муносиб бўлиш билан жавоб беради.

Мана, ҳамма учун ҳаяжонли дамлар бошланди. Муассасанинг залворли эшиклари очилиб, озод этилганлар бир-бир чиқиб кела бошлади. Бир-бирини бағрига босиб, севинч кўз ёшлари билан қучоқ очиб кўришганларни кўрган ҳар қандай кишининг қалби ларзага келади. Уларнинг бу севинч ёшлари тарк этмаслигини тилаб қоламиз.

Маҳпуратхон ОРТИҚОВА,
журналист

МАСЪУЛИЯТСИЗ БАНКИРЛАР

Солиқ ва бошқа мажбурий тўловларнинг вақтида тўланиши республикада иқтисодий барқарорликни таъминлашда муҳим омил ҳисобланади. Ҳукуматимиз томонидан олиб борилаётган кучли ижтимоий ҳимоя сиёсати, таълим ва тиббиёт соҳасидаги ислоҳотлар самараси, давлат хизматчиларига иш ҳақи, меҳнат ва ногиронлик нафақалари ҳамда бошқа ижтимоий тўловларнинг ўз вақтида тўланиши бевосита бюджет ижроси билан боғлиқ. Шундай экан, солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни вақтида тўлаш нафақат бурчимиз, балки ватанпарварликнинг ёрқин намунасидир. Биз шу юрт фарзанди, шу давлатнинг фуқароси сифатида меҳнатимиздан даромад топар эканмиз, тегишли тўловларни ўз муддати ва белгиланган миқдорда тўлаб боришимиз керак. Солиқ интизомига сўзсиз риоя қилиш кўникмасини шакллантиришимиз зарур. Афсуски, айрим шахслар томонидан солиқ тўлашни пайсалга солиш, ундан бўйин товлаш ёки яширишга уриниш ҳолатлари ҳамон содир этилмоқда.

Шовот туман прокуратураси томонидан солиққа оид қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратининг самарадорлиги ва таъсирчанлигини ошириш мақсадида муайян тадбирлар амалга оширилмоқда.

Яширин иқтисодий фаолиятга барҳам бериш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан саналади. Бу жараёнда айрим солиқ, банк, молия ва бошқа давлат идоралари хизматчиларининг раҳномалик қилаётгани эса жуда афсуслананарлидир.

«Микрокредитбанк»нинг Шовот туман филиалида ўтказилган текширишда Республика Президентининг «Ҳисоб-китоб механизмини такомиллаштириш ҳамда республика бюджети ва маҳаллий бюджетларга тўловларнинг тушишини рағбатлантириш чоралари тўғрисида»ги Фармони ҳамда Республика Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган «Хўжалик юритувчи субъектларнинг банк ҳисоб рақамларидан пул маблағларини ҳисобдан чиқариш тартиби тўғрисида»ги йўриқнома талаблари қўпол равишда бузилгани аниқланди. Мазкур ҳужжатларда пул маблағларини ҳисобдан чиқариш тартиби белгилаб берилган. Лекин банк филиали бошқарувчиси З.Полвонова масъул мансабдор шахс бўла туриб, қонун билан белгиланган ваколатларидан ўз манфаати йўлида фойдаланади. У филиал бош ҳисобчиси Г.Душамова билан олдиндан ўзаро жиноий тил бириктириб, қўл остида ишлаётганларга ноқонуний топшириқлар беради. Оқибатда, банк мижозлари бўлган «Бешчиқир» кичик корхонаси, «Шержанов Болтабой», «Қоратой агро» хусусий фирмалари ҳамда «Матназаров Маткарим», «Камол» ва «Худойберган ота» фермер хўжаликларининг ҳисоб рақамларига келиб тушган маблағларни биринчи навбатда солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан қарздорликни тўлаш учун йўналтириш чора-тадбирлари кўрилмайди. Маблағларни бошқа мақсадларга ўтказиб бериб, солиқ учун тўланиши лозим булган 16 млн. 444 минг 500 сўм, пенсия жамғармасига 936 минг 600 сўм, ягона йўл жамғармасига 109 минг 900 сўм, мактаб таълимини ривожлантириш жамғармасига 73 минг 500 сўм ажратмани, жами 17 млн. 564 минг 500 сўмлик жуда кўп миқдордаги тўловларнинг тўланишини кечиктиради. Масъул мансабдорларнинг бундай ҳаракати солиқ органи томонидан банкка ҳам 5 млн. 654 минг 600 сўмлик пеня ҳисобланишига сабаб бўлади. Оқибатда туман филиалининг қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқ ва манфаатларига жуда кўп миқдорда зарар етказилади.

Албатта, ўз хизмат вазифасига масъулиятсизларча муносабатда бўлган банкирлар тегишли тартибда жиноий жавобгарликка тортилди. Масъул мансабдорнинг қонун талабларига сўзсиз риоя этиши тараққиёт учун муҳим ҳисобланади. Шундай экан, ҳар бир масъул шахс қонунларни пухта билиши ва фаолиятини амалдаги қонунлар талаби даражасида ташкил этиши зарур бўлади.

Умидбек БОБОЖОНОВ,
Шовот туман прокуратураси терговчиси

ИШ ҲАҚИ УНДИРИБ БЕРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 19 мартдаги «Иш ҳақларининг ўз вақтида тўланишига доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори корхона ва ташкилот раҳбарлари зиммасига катта масъулият юклайди. Сабаби ҳар бир фуқаронинг конституциявий ҳуқуқ ва мажбуриятларини таъминлашда бу қарорнинг аҳамияти катта. Аммо, айрим мансабдор шахсларнинг айби билан кўплаб фуқаролар иш ҳақларини ўз вақтида олишолмаяпти. Бу ҳолат ҳақли равишда уларнинг ўринли эътирозларига сабаб бўлмоқда.

Мисолларга мурожаат қиламиз. Элликқалъа туманидаги «Қирққиз» овул фуқаролар йиғинида яшовчи, «Бўстонсувқурилиш» МЧЖда бўёқчи бўлиб ишловчи фуқаро Равшанбек Каримов ва яна бир неча фуқаролар туман прокуратурасига мурожаат қилиб келганди. Улар аризасида «Бўстонсувқурилиш» МЧЖ раҳбари Ражапбой Каримбоев иш ҳақларини бермай, «бугун келинг, эрта келинг» деб овора-ю сарсон қилаётганлигини ёзишганди. Масала зудлик билан ўрганилиб, туман прокуратураси аралашуви билан уларга тегишли бўлган 700 минг сўм иш ҳақлари тўлиғича ундириб берилди. Ташкилот раҳбари бу ҳаракати учун расман огоҳлантирилди.

Худди шунингдек, Қилчиноқ овул фуқаролар йиғинида яшовчи Шарифбой Самандаровнинг прокуратурага ёзган аризасида ҳам юқоридаги ҳолат кузатилади. Унда «Болтабика ипаги» фермер хўжалиги раҳбарининг масъулиятсизлиги туфайли ўз хонадонларида пилла маҳсулотини етиштириб берган ишчи оилаларга етиштирилган пилла учун иш ҳақларини бир нечта ойлаб шу кунгача бермасдан келаётганлиги баён қилинганди.

Мазкур ариза жойида ўрганилганда, фуқаро Ш.Самандаров ҳақ бўлиб чиқди. Фермер хўжалиги раҳбарлари Б.Рўзметова ва мутахассис Х.Оллаберганов лар пиллакорларнинг 2 млн. 940 минг 800 сўм пулини тарқатмасдан талон-торож қилганликлари маълум бўлди. Ҳозир мазкур ҳолат бўйича тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Фарҳод АЛЛАМБЕРГАНОВ,
Элликқалъа туман прокурори

«Оқ ажал» сиртмоғи

Гиёҳвандлик таъсирига бир марта тушган одам қайтиб чиқиши даргумон. Унинг ортидан келадиган офатларнинг чек-чегараси йўқ. Шунинг учун уни бежизга «аср вабоси» дея таърифлашмайди. Оғу таъсирида бўлган, гиёҳвандликка муккасидан кетган одам онгсиз бир манқуртга айланади. У қутурган ҳайвондан ҳам хавфли, дунёдаги бор ваҳшийликларга-да қодир бўлади. Инсонни онгу шууридан мосуво қилиб, тубсиз жаҳолат домига тортгувчи гиёҳвандликка қарши бутун жаҳонда аёвсиз қураш олиб борилаётгани ҳам бежиз эмас.

Афсуски, юртдошларимиз орасида ҳам гиёҳвандликка ружу қўйиб, охир-оқибат пушаймондан қуйиб адо бўлаётган кимсалар топилади.

Мўминнинг гиёҳвандликка берилиб қолганига анча бўлган. Героиннинг бир чимдими учун бор-будини беришга тайёр бўлган бу шоввоз бозорга чиқиб, ўзини «Мунира» деб таништирган бир опахонидан уни сотиб олади. Лекин «оқ ажал»ни тотиб, бутун борлиқни унутишга шайланган бу кимсанинг орзулари чиппакка чиқди. Сабаби, Ургут туман ИИБ ходимлари томонидан ўтказилган «Тозалаш» тадбирида Мўмин Шодиевнинг ёнидан 0,06 грамм героин моддаси топилди ва суриштирув ишлари олиб борилди. Иродаси бўш, инсонийлик фазилатларини бир четга суриб қўйган, оиласи-ю яқинларининг қадр-қимматини бир чимдим офатга алмашишга тайёр бўлган бундай кимсаларнинг аҳволига ачинасан киши. Ҳаётининг мазмунини, ўз умрини гиёҳвандликка «бағишлаб» охир-оқибат ортидан надоматдан ўзга нарса қолдирмайдиган бундай кимсаларнинг аҳволи ҳақиқатан афсусланарли. Ҳар биримизни бундай кулфатдан асрасин!

С.СОБИРОВ,
Ургут туман прокурори ўринбосари

ТАДБИРКОРЛИК ҲАМ ҚОНУНГА ТАЯНАДИ

Бозор муносабатларига асосланган иқтисодий тараққиёт йўлини танлаган мамлакатимизда тадбиркорлик фаолияти учун барча имкониятлар, шарт-шароитлар яратиб берилган. Юртдошларимиз орасида тадбиркорлик, ишбилармонлик кўникмалари шаклланиб улгурди.

Сир эмас, тадбиркорлик қанчалик кенг қулоч ёйса, эл-юрт фаровонлиги ортиб бораверади. Бугун турли кўринишдаги ва турли йўналишдаги тадбиркорлик субъектлари юртимиз иқтисодиёти юксалишида муҳим аҳамият касб этмоқда. Улар қаторида юртимизда фаолият юритиб келаётган хорижий ва қўшма корхоналарнинг ҳам муносиб улуш қўшиб келаётганини эътироф этиш жоиз.

Аммо... Аммо биз ишбилармон ва тадбиркор деб билганлар орасида бугунги ўтиш жараёнидан ўз манфаатларини кўзлаб, ноқонуний йўллар билан бўлса-да, бойлик тўплаш ҳаракатида юрганлар ҳам учраб турибди. Ҳукуматимиз томонидан тадбиркорлик субъектларига берилаётган имтиёзларни суиистеъмол қилиб, жамият ва давлат манфаатларига жиддий зиён етказиб келаётган бундай «тадбиркор»лар билан умуман муроса қилиб бўлмайди.

Ноқонуний фаолият ортидан даромад топиб, босар-тусарини билмай юрган айрим «ишбилармон»лар узоққа боролмаслиги, шубҳасиз. Уларнинг қинғир ишлари вақтисоати билан фош этилиб, жиноятга жазо муқаррарлиги таъминланиши турган гап.

Тошкент шаҳар прокуратураси Иқтисодий жиноятчилик ва коррупцияга қарши курашиш бўлими томонидан шу тоифадаги жиноят иши тергов қилинди.

Бундан ўн йилча аввал Туркиянинг «Demir metal San. Ve Dis. TisA.S» корхонаси томонидан мамлакатимизда «SHARQ MIR» хорижий корхонаси таъсис этилган эди. Масъулияти чекланган жамият шаклидаги «SHARQ MIR» хорижий корхонасининг асосий фаолияти улгуржи ва чакана савдо, умумий овқатланиш, аҳолига хизмат кўрсатиш, нон ва нон маҳсулотлари чиқаришдан иборат бўлиб, қисқа вақт ичида корхона оёққа туриб олади. Дастлаб корхона раҳбарлари мамлакатимиз қонунлари доирасида фаолият юритиб, эътибор қозонадилар. Бироқ, вақт ўтиши билан хорижлик бизнесменлар мавжуд қонун-қоидаларни «айланиб ўтиш»нинг турли усулларини ўйлаб топишга берилиб кетишади. Улар тадбиркорлик ҳам қонунга таянишини унутиб қўядилар.

Жумладан, «SHARQ MIR» хорижий корхонаси бош директори Исмет Экинжи Туркиянинг «Demir metal San. Ve Dis. TisA.S» корхонаси вакили Сайдан Ҳусейн, «SHARQ MIR»нинг собиқ бош директори Осман Баки ва бошқалар билан ўзаро жиноий тил бириктириб, республикамизга импорт қилинадиган товарларни божхона идораларида расмийлаштириш чоғида бюджетга тўланиши лозим бўлган божни тўламаслик учун шартнома ва юк хатларида импорт товарлар баҳосини пасайтириб кўрсатиб, ҳужжатларни сохталаштиришга келишиб оладилар. Шу мақсадда «Demir metal San. Ve Dis. TisA.S» ва «SHARQ MIR» ўртасида тузилган товар етказиб беришга оид кўплаб шартномалар ва унга биноан тўлдирилган товар нархини белгиловчи «инвойс» юк ҳужжатларига сохта маълумотлар киритилиб, республикамизга импорт қилинган товарларнинг нархлари пасайтириб кўрсатилган.

Хусусан, 2003-2004 йилларда мазкур корхоналар томонидан юртимизга олиб кирилган фототоварларнинг ҳақиқий баҳоси 525 минг 685,84 АҚШ долларини ташкил қилгани ҳолда уларнинг баҳоси расмий ҳужжатларда 39 минг 817,44 АҚШ доллари деб кўрсатилган. Бу билан «ишбилармон»лар товарнинг ҳақиқий баҳосини 484 минг 660,77 АҚШ долларига камайтириб кўрсатишнинг уддасидан чиқишган ва бунинг оқибатида давлатимиз бюджетига жами 169 млн. 916 минг 553,52 сўмлик бож тўловлари тўланмаган.

...«ишбилармон»лар товарнинг ҳақиқий баҳосини 484 минг 660,77 АҚШ долларига камайтириб кўрсатишнинг уддасидан чиқишган ва бунинг оқибатида давлатимиз бюджетига жами 169 млн. 916 минг 553,52 сўмлик бож тўловлари тўланмаган.

Бундай мўмай пуллар хорижлик «ишбилармон»ларни янада «илҳомлантириб» юборган ва улар 2005 йилда ҳам шу йўл билан юртимизга товар олиб киришга муваффақ бўлишган. Бу сафар улар республикага импорт қилинган 7362 АҚШ долларилик фотокимёвий моддаларнинг нархини расмий ҳужжатларда 308,2 АҚШ доллари деб кўрсатишган. Шу йўл билан товарнинг нархини 7053,8 АҚШ долларига камайтириб кўрсатишган ва 1 млн. 617 минг сўмлик бож тўловларини тўлашмаган.

Бир жиноят бошқа жиноятларга ҳам йўл очади. Ноқонуний фаолият ортидан топилган пуллар турли йўллар билан республикамиздан олиб чиқиб кетилган ва легаллаштирилган.

Афсуски, тадбиркорликни ниқоб қилиб олган қонунбузарлар шу билан кифояланиб қолишмаган.

Бош директор Исмет Экинжи корхонанинг моддий жавобгар ва мансабдор шахслари Фехми Замбак, Сайдам Ҳусейн, Меҳмед Саид Каленжу, Эрдан Сатилмишлар билан жиноий тил бириктириб, Тошкент шаҳридаги корхонага қарашли супермаркет молиявий-хўжалик фаолиятини юритишда ҳам қонунбузарликлар содир этишдан ўзини тўхтатолмаган. Унинг раҳнамолигида жиноий гуруҳ савдо қоидаларини қўпол равишда бузиб, ноқонуний даромад олиш, даромадларни бухгалтерия ҳисобидан яшириш, давлат томонидан белгиланган солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш ва жиноий даромадларни легаллаштириш билан шуғулланиб келишган.

Жиноий гуруҳ 2006 йилнинг июль-август ойларида Тошкент шаҳар Миробод тумани Мустафо Камол Ота-турк кўчасида жойлашган супермаркетда бухгалтерия ҳужжатларида акс эттирилмаган 2 млрд. 178 млн. 578,003 сўмлик савдони амалга ошириб, савдодан тушган нақд пулларни банк муассасаларига кирим қилмаган. Олинган ноқонуний даромадларни бухгалтерия ҳисоботларида акс эттирмай, бюджет ва маҳаллий жамғармаларга 437 млн. 603 минг 400 сўмлик солиқ ва мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлашган.

Шу тариқа улар 357 млн. 179 минг сўмлик ялпи даромад солиғини, пенсия жамғармасига 15 млн. 250 минг сўмлик мажбурий тўловларни, корхона ишчиларига ҳисобланган норасмий иш ҳақлари учун иш ҳақи фондидан 4 млн. 355 минг 800 сўмлик ва 435 минг 600 сўмлик мажбурий тўловларни, йўл жамғармасига 21 млн. 786 минг сўмлик мажбурий тўловларни, мактаб таълимини ривожлантириш жамғармасига 21 млн. 786 минг сўмлик мажбурий тўловларни, корхона ишчи-ходимларга норасмий тўланган иш ҳақларидан 16 млн. 811 минг сўмлик даромад солиғини тўламай жамият ва давлат манфаатларига жуда кўп миқдорда зарар етказишган.

Жиноий йўллар билан топилган ноқонуний даромад эса турли йўллар билан мамлакатдан олиб чиқиб кетилган ва легаллаштирилган.

Бу ҳам етмагандай, Исмет Экинжи ўз ҳамтовоқлари билан тил бириктириб, 104 млн. 216 минг 522 сўмлик хорижда ишлаб чиқарилган парфюмерия маҳсулотларини республикамизга божхона назоратини четлаб олиб киришган. Мазкур контрабанда маҳсулотларини нақд пулга сотиб юборишган. Шу тариқа 312 млн. 46 минг 544 сўмлик товарлар, жумладан, 14 млн. 465 минг 540 сўмлик текстиль маҳсулотлар бухгалтерия ҳужжатларида акс эттирилмаган ва корхонага кирим қилинмаган. 2006 йилнинг сентябрь ойида амалга оширилган савдо пулларидан 580 минг сўм банкка инкассация қилинмаган.

Бундан ташқари, Исмет Экинжи ўз фаолияти давомида мансаб ваколатини суиистеъмол қилиб, «Demir metal San. Ve Dis. TisA.S» корхонаси томонидан унга ишониб топширилган ва корхона маблағлари ҳисобига сотиб олинган 207 млн. 254 минг 540 сўмлик товар моддий бойликларни ўзлаштириш йўли билан талон-тарож қилиб келган.

Аммо ҳар қандай жиноий фаолиятнинг ҳам интиҳоси ва жазоси бўлгани каби, «SHARQ MIR» хорижий корхонаси атрофига уюшган жиноий гуруҳ фаолияти фош этилиб, уларнинг ноқонуний фаолиятига чек қўйилди.

Дастлабки тергов жараёнида айбдорлардан давлат ва жамият манфаатларига етказилган 1 млрд. 193 млн. 962 минг 584 сўм миқдоридаги зарарлар тўлиқ ундирилди.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди ҳукми билан «SHARQ MIR» хорижий корхонаси мансабдор шахслари Исмет Экинжи, Фехми Замбак, Меҳмед Саид Каленжу, Эрдал Сатилмишлар қилмишларига яраша жазосини олдилар.

Мираглам МИРЗАЕВ,
Тошкент шаҳар прокурорининг биринчи ўринбосари

ҲАВОДАН ПУЛ ЯСАГАНЛАР

Иши юришган тадбиркор Абдурашид Юнусов йирик буюртмани қўлга киритганидан кейин босар-тусарини билмай қолди. Марғилон шаҳридаги 3-болалар боғчасини таъмирлаб беришнинг ўзидан йириккина фойда кўриши тайин эди. Бирок бунга қаноат қилмасдан шу баҳона янада кўпроқ пул ишлаб олиш тараддудига тушди.

Шу ниятда қурилиш-таъмирлаш ишларини қабул қилиб олувчи шаҳар халқ таълими бўлимининг муҳандиси Назиржон Мамажоновнинг қўйнига қўл солиб кўрди. Муҳандиснинг «кўнгилчан»лигига амин бўлиб, эски, синалган «усул»ни қўллади. Қурилиш-таъмирлаш ишлари ниҳоясида харажатлар ҳисоботига мих ва черепицадан тортиб, алебастр-у бўёқларгача, барча қурилиш материалларини ошириб-қўшиб ёзаверди. Ҳаво пуфлаб шиширилган харажатлар миқдори мутаассис бўлмаган одамни ҳам ҳайратга солади. Бироқ парвойи-фалак Н.Мамажонов «тадбиркор» тақдим этган ҳужжатларга кўзини чирт юмиб имзо чекиб бераверди. Бажарилган иш ҳажми, қурилиш материаллари сарфини элакдан ўтказишдан иборат хизмат бурчига зид иш тутиб, А.Юнусовга «яхшилик» қилди. Унинг «яхшилиги» бюджетга қимматга тушди. «Кимёгарсервис» хусусий корхонасининг раҳбари шу тариқа 8 млн. 366 минг сўмни кассасига урди. Қинғир ишини давом эттириб, келгуси 2007 йил март ойида тақдим этган 2-шакл далолатномасига 1 млн. 846 минг сўмни «қўшиб ёзиб» ўзлаштирди.

«Стар» корхонасининг раҳбари Алишер Ғоипов 5-болалар боғчасини таъмирлаш буюртмасига эга чиқди. Боғча мудираси Д.Аҳмедова аллақачон ишдан бўшаб кетган тарбиячиларга ҳам маош ёздириб, пулларини қуртдек санаб олишга одатланган эди. Ҳатто ишлаётган ходимларнинг маошларини, компенсация пулларини ҳам ўзларига билинтирмай, ҳамёнига солиб юрганди. Шунинг учун қурувчиларнинг ярим-ёрти ишларига кўз юмди. Таъмирлаш баҳона «қўшимча даромад» орттириш пайига тушган пудратчи қурилиш ташкилоти раҳбари А.Ғоипов шаҳар халқ таълими бўлими бош муҳандиси М.Тиллабоев билан жиноий тил бириктириб, корхона бажарган таъмирлаш ишлари далолатномасига 2 млн. 203 минг сўмни қўшиб ёзди. Буюртмачи вакили харажатлар ошириб кўрсатилган ҳужжатни тўлов учун қабул қилиб олиб, «Стар» корхонаси раҳбарининг ушбу маблағни ўзлаштириши учун йўл очиб берди.

Фарғона вилоят прокуратураси мутахассисларни жалб этиб ўтказган назорат тадбирларида шунингдек, Бешариқ туман халқ таълими бўлими масъул мансабдор шахслари ҳам хизмат бурчларига хиёнат қилиб, кўп миқдорда давлат маблағини ўзлаштиргани юзага қалқиб чиқди. Чунончи, 2006 йил май ойида 8-сонли пудрат шартномаси тузилган. Ушбу шартномага кўра халқ таълими бўлими қошидаги қурилиш-таъмирлаш корхонаси 21-ўрта мактабни бошдан оёқ таъмирлаб бериши лозим эди.

Корхона раҳбари Мирзабек Назиров халқ таълими бўлимининг қурилиш бўйича бош муҳандиси Акрамжон Обидовга йириккина хўракли қармоқ ташлади. Бош муҳандис эса хўракка тезгина илинди. Энди унинг изми қўлида, чизган чизиғидан чиқмайди. 2006 йил сентябрь ойи, ўқув йили бошланганида М.Назиров расмийлаштирган далолатномага салкам 5,5 млн. сўмлик қурилиш материаллари ва гўё бажарилган ишлар қўшиб ёзилган эди. А.Обидов кўра била туриб, сохта ёзувлар киритилган далолатномани тасдиқлаб берди. Хусусан, «ишбилармонлар» халқ таълими бўлими етказиб берган салкам 3 млн. 800 минг сўмлик шиферни қурилишда ишлатдик, деб чапга пуллаб юборишди.

Шунингдек, мактабда ярим млн. сўмликдан зиёд таъмирлаш ишлари сифатсиз бажарилган эди.

Аслида қилинмаган таъмирлаш ишларини, уларга ҳақиқатда сарфланмаган қурилиш материалларини далолатномаларга қўшиб ёзиш, ҳаводан пул ясаб ҳамённи қаппайтиришга уринган «ишбилармон»лар ҳамда улар тақдим этган сохта ҳужжатларни тасдиқлаб бериб, жиноятларига шерик бўлган мансабдор шахслар давлатга етказилган зарарнинг ўрнини қоплашди. Суд уларга қилмишларига яраша жазо тайинлади.

Ш.МИРЖАВҲАРОВ,
Фарғона вилоят прокуратураси терговчиси

ҚАРОР ҚАТЪИЙ ВА ҚОНУНГА МУВОФИҚ

Мамлакатимизда бозор муносабатлари юзага келиши билан мулкчиликнинг турли хил шакллари ҳам вужудга келди. Ва шу билан бирга ундан нечоғли тўғри фойдаланишни таъминлаш учун ҳуқуқий кафолатлар ҳам яратилди. Албатта бу кафолатлардан тўғри ва қонун доирасида фойдаланишда прокуратура органларининг ҳам ўзига хос ҳиссаси бор. Жумладан, хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялашда прокуратура органлари хўжалик-судлов соҳасида қонунийликни таъминлаб келмоқда. Бу фаолият асосан тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш мақсадида судларга аризалар киритиш, судларнинг қонунга зид қарорларини протест киритиш орқали қонунга мувофиқлаштиришдир. Бинобарин, 2007 йилда прокурор протестларига асосан судларнинг 1181 та қарорлари қонунга мувофиқлаштирилди. Хўжалик судларига киритилган 85 млрд. сўмлик, жами 19 минг 603 та даъво аризалари қаноатлантирилиб, 57,7 млрд. сўмлик маблағларнинг ҳақиқатда ундирилишига эришилди. Шулардан давлат манфаатларини кўзлаб 32,8 млрд. сўмлик 4374 та, тадбиркорлик субъектларининг манфаатлари йўлида 2,6 млрд. сўмлик 541 та, қишлоқ хўжалиги корхоналарининг манфаатларини кўзлаб 2,9 млрд. сўмлик 11 минг 321 та даъво аризалари киритилган. Масалан, Сирдарё вилоятидаги «Фаррух» фермер хўжалиги ўз ер майдонида етиштирилган пахтани Бахт пахта тозалаш заводига топшириш тўғрисида тузилган шартномани тўлалигича бажаради. Бироқ, завод ўз мажбуриятини бажармасдан, олинган пахта учун 10 млн. 947 минг 900 сўм миқдоридаги пулни тўламайди. Вилоят прокуратураси ҳолатни тўлалигича ўрганиб чиқиб, тадбиркор манфаатини кўзлаб Бахт пахта тозалаш ҲЖДан 10 млн. 947 минг 900 сўмлик асосий ва 1 млн. 707 минг 800 сўмлик пеняни ундириш тўғрисида вилоят хўжалик судига ариза киритади. Суд куни белгиланиб, иш кўрилаётган пайтда жавобгар даъвони тўлиғича тан олади. Аммо талаб қилинаётган пеня асосли бўлса-да, унинг суммаси катта бўлганлиги боис миқдорини бироз камайтиришни сўрайди.

Ишдаги ҳужжатларга кўра, «Фаррух» фермер хўжалиги билан Бахт пахта тозалаш заводи ўртасида 2006 йил пахта ҳосили етказиб бериш ҳақида шартнома тузилган. Унга кўра, хўжалик 12,4 тонна пахта етказиб бериши, тайёрловчи эса маҳсулотни қабул қилиб олганидан сўнг маҳсулот қийматининг 80 фоизини 2006 йил 31 декабрга қадар тўлаш мажбуриятини олганди. Хўжалик шартнома мажбуриятини ортиғи билан бажарган. Бироқ, жавобгар маҳсулот ҳақини белгиланган муддаттача тўловни амалга оширмаган. Вақт ўтаверган сари дастлабки илтимослар низога айланган.

Иш судда кўриладиган кунга келиб, қарз суммаси 13 млн. 201 минг 371 сўмни ташкил қилган. Бу эса ишдаги шартнома, таққослаш далолатномаси ва бошқа шу каби ҳужжатлар билан тўлиқ тасдиғини топади.

Фуқаролик кодексининг 333-моддаси 1-қисми талаби бўйича қарздор айби бўлган тақдирда, мажбуриятни бажармаганлиги учун агар қонун ҳужжатларида ёки шартномада бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, жавоб бериши шарт. Шунга мувофиқ жавобгардан қайд этилган қарзни ундириш мақсадга мувофиқ. Бундан ташқари, шартноманинг 5.3. бандида тайёрловчи «хўжаликка» кечиктирилган ҳар бир кун учун тўланмаган сумманинг 0,4 фоизи миқдорида, лекин тўланмаган сумманинг 50 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда пеня тўлайди деб белгиланган. Мазкур ҳолатда жавобгар шартнома шартларини бажармаганлиги оқибатида даъвогарнинг 1 млн. 707 минг 800 сўмлик пеняни тўлаш тўғрисидаги асосли талаб қўйишига сабабчи бўлган.

Бир қарашда барчаси тўғри, қўйилган талаблар қонун доирасига мувофиқ бўлса-да, мазкур ҳолатда қарздан ташқари пеняни ҳам тўлиғича ундирилиши жавобгарнинг иқтисодий аҳволига сезиларли таъсир кўрсатиши мумкин. Шу сабабли ҳам суд ишдаги барча ҳолатларни, шу жумладан жавобгарнинг талабни тўлалигича тан олиши, лекин пеняни тўлашда бироз енгиллик бериш ҳақидаги илтимосларини ҳам атрофлича ўрганиб чиқиб, уни инобатга олишга асос борлиги учун қаноатлантирди. Фуқаролик кодексининг 326-моддасида агар тўланиши лозим бўлган неустойка кредиторнинг мажбуриятини бузиш оқибатларига номутаносиблиги кўриниб турса, суд неустойкани камайтиришга ҳақли. Бунда қарздор мажбуриятни қай даражада бажарганлиги, мажбуриятда иштирок этаётган тарафларнинг мулкий аҳволи, шунингдек кредиторнинг манфаатлари эътиборга олиниши керак.

Суд алоҳида ҳолларда қарздор ва кредиторнинг манфаатларини ҳисобга олиб, кредиторга тўланиши лозим бўлган неустойкани камайтириш ҳуқуқига эга.

Албатта ҳар қандай ишни судда кўриш жараёнида энг аввало тарафларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясига катта эътибор қаратилади. Бу бежиз эмас. Чунки, бир тарафнинг талабини тўлалигича қаноатлантириш натижасида иккинчи тарафга сезиларли салбий таъсир кўрсатиш ҳам мумкин. Шу боис суд жараёнида иш юзасидан якуний қарор қабул қилишдан олдин тарафларнинг бу ҳақдаги фикрлари ҳисобга олинади. Уларни ўзаро келиштиришга ҳаракат қилинади. Лекин баъзан низони у ёки бу сабабга кўра бартараф этишни истамаганлар ёхуд қонун талабини турли йўллар билан айланиб ўтишга уринадиганлар ҳам учрайди. Шундайлардан бири Фарғона шаҳрида фаолият кўрсатиб келган «Avrora ABS» масъулияти чекланган жамиятдир.

У фаолияти давомида солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўламаганлиги оқибатида 58 млн. 965 минг 500 сўмлик боқиманда қарздорлик юзага келган. Фарғона шаҳар солиқ инспекциясининг қарздорликни бартараф этиш тўғрисидаги талаблари эса «Avrora ABS» МЧЖ томонидан бажарилмаган.

Шундан сўнг Фарғона вилоят прокуратураси солиқ инспекциясининг манфаатларини кўзлаб, қарзни ундириш тўғрисида хўжалик судига ариза киритади.

Суд мажлиси куни белгиланиб, тарафлар суд бўладиган жой ва вақт тўғрисида хабардор қилинади. Аммо жавобгар суд мажлисида номаълум сабабларга кўра иштирок этмайди. Унинг манзили бўйича хабарнома юборилганда белгиланган манзилда «Avrora ABS» МЧЖ эмас, балки «Темир Бетон Инвест» корхонаси жойлашганлиги тўғрисида маълумотнома олинади.

У ҳам бўлса уй эгаларининг ўз уйлари таъмирини нечоғлик тез тугатишидадир. Буни кўни-қўшнига нима алоқаси бор дейишингиз мумкин. Алоқаси шундаки, агар уйга эҳтиёжи катта бўлган оилалар камида олти ой ичида уйни тўла таъмирдан чиқара олса, қолганларда эса бу муддат бирмунча чўзилиши мумкин. Масалан, юз хонадонли уйда тўртта хонадон соҳиблари яшаш шароитини яратишган бўлсада, қолган 96 таси ҳали бунга тайёр эмас. Бундай шароитда ўз-ўзидан тўртта хонадон учун бутун уйнинг иситиш тизими ишлатилмаслик эҳтимоли катта.

Хуллас, уй-жойли бўлиш имкониятлари бугун жуда катта. Хоҳласангиз янгиси, хоҳласангиз эскиси. Ҳамёнингиз кўтарса бўлгани.

Дониёр ХАЛИЛОВ,
«Huquq» мухбири

Ўғлини ўлдирган... она

Жаннат оналар оёғи остидадир, дейилган ҳадиси шарифда. Бунга шак-шубҳа йўқ. Бир парча этни дунёга келтириб, уни одам мақомига етказиш машаққатига ўзида чидам ва фароғат топган ҳам шу оналар. Фарзанди учун, керак бўлса, ҳеч иккиланмасдан жонини берадиган зот ҳам она... Ўз фарзанди жонини ҳам оладиган... оналар бор, десак ишонасизми?! Бундан саратонда қор остида қолгандек ҳолатга тушган бўлишингиз мумкин. Ҳа, шундай разолатга ботиб, ўз фарзанди жонига қасд қилган бир она қилмишини қаламга олдик.

Охунбобоев тумани Каттаболтакўл қишлоғидаги ўртаҳол оила... Мавлуда беш нафар фарзанднинг онаси. Ўзининг гувоҳлик беришича, ҳаммаси 1991 йилда эри Адҳамжоннинг

ёниб турган онасига. — Кеча битта кинода кўрувдим...

Мавлуда эртаси куни саҳарда Олтиариқ тумани Файзиобод қишлоғида яшовчи акасиникига йўл олди. Акасидан, «молхонага чироқ туширамиз», деб ўн метрча келадиган шнурни сўраб олди...

2007 йилнинг 10 март куни. Баҳорнинг илиқ ҳавоси тунни ҳам иситиб турибди... Уй ичида чироқни ўчириб олганича Мавлуда ўтирибди. Ёнида қизлари қатор ухлаб ётишибди...

Равшан акасининг дўкон олдида маст юрганини кўриб келиб, онасига айтди. Шундан кейин Равшан дарвоза ортида яшириниган кўйи акасининг келишини кутиб турди. Улар аллақачон Рустамни ўлдириш режасини тузиб қўйишган. Доимгидек маст келадиган Рустамни Равшан дарвоза ёнидаги меҳмонхонага олиб кириб ётқизади. Ухлаб қолгач, онаси билан боғлашиб, электр токини улашади.

Бир маҳал Рустам кайфи тароқ ҳолда келиб қолди. Қўлида бир шиша вино. Равшан унинг қўлтиғига кириб, меҳмонхона томонга бошлади. Лекин Рустам кўнмади.

— Тўхта, олдин манабуни ичайлик, кейин, — деди пешайвонга ўтириб. — Бор, пиёла билан закуска топиб ке!

Равшан пиёла ва сопол косада помидор соки олиб чикди. Ака винони очиб, пиёлага қуйди.

Шу пайтда ўғлининг ўлимига ҳам рози эди. «Худо унинг жонини олмаса, ўзим оламан!» деган мудҳиш ўй хаёлини чирмаб олди. Ўз жигарбандига шундай нафрати ошдики, она эканлигини ҳам унутди.

Олдин ўзи ичди, кейин укага қуйиб узатди.

— Ич, — деди зўрлаб, — бошқа ичмайсан. Аслида Равшаннинг спиртли ичимликни биринчи марта ичиши эмас эди. Гоҳ-гоҳ яширинча ичиб турарди. Шунинг учун «лўқ» этказиб пиёладаги винони ичиб қўйди. Қолган винони ҳам бўлиб ичишди. Шиша бўшагач, Рустам ўрнидан турди. Кўчага қараб йўналди.

— Ака, қаёққа? — сўради Равшан.

— Юр, яна ичамиз. Эртадан бошлаб умуман ичмайман. Бугун ичиб олайлик.

Ака-ука қишлоқ марказидаги дўконга боришди. Бир шиша ароқни олиб ичишди. Ака ўзини бошқаролмайдиган аҳволга келди. Ука бироз хушёр эди. Бақувват бўлганлиги учун акани опичлаб олди. Уйга олиб келиб, меҳмонхонага ётқизди. Кейин онаси олдига кирди. Мавлуда ухлаб қолган эди. Ўғлининг шарпасидан уйғониб кетди.

— Акам роса маст, ётқизиб қўйдим, юринг энди...

Она ўрнидан турганида димоғига Равшаннинг оғзидан келган спиртли ичимлик ҳиди «гуп» этиб урилди. «Буниси ҳам ичибди», деган аламли ўй ўтди кўнглидан. Меҳмонхонада Рустам чалқанча ухлаб ётарди. Оғу кайфи таъсирида ётган бу йигит устида ажал қўланкаси ўйнай бошлаганини қаёқдан билсин?! Мавлуда камбелнинг бир учини Рустамнинг оёғига, бир учини қўлига боғлади. Қўллари қалтираб яхши боғлай олмади. Равшан бошқатдан маҳкам қилиб боғлади.

— Ая, «DVD»нинг овозини баландлатиб қўйинг, акам бақирса ҳам ҳеч ким эшитмасин, — деб буюрди онасига шошиб қолган Равшан.

Мавлуда ташқарига чиққач, серрайиб қотиб қолди. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай Равшан ҳам меҳмонхонадан чиқиб келди. Унинг кўзлари ғалатироқ эди. Шу маҳал ичкаридан нохуш воқеани кўнгли сезганми, уйқуси қочган қизчаси Маъмура чиқиб келди. Онаси ва акаси унга эътибор беришмади.

— Ўлгандир, — Равшан онасининг қўлидан етаклади... Рустам жойида қотиб қолган, ранги қорайгандек, кўзлари олайиб кетганди. Жағи кўксига тушиб қолган, оғзидан билинар-билинмас тутун чиқаётгандек...

Равшан токни узди.

— Акамга нима бўлди? — деди дабдурустдан ортларидан кириб келган Маъмура қўрқа-писа.

— Ўлиб қолди, — деди онаси унга.

— Бор, ўрагани латта топиб кел, — деб буюрди унга Равшан акасининг жасадидан симни бўшатаётиб.

Эски кўрпа астарига жасадни ўрашиб, ташқарига олиб чиқишди. Ҳовли четига кўмиб ташлашмоқчи эди.

— Куракни топиб кел, кўмамиз энди.

Қизча акасининг гапига ҳайрон бўлди:

— Ая, қабристонга кўммаймизми? — у шундай деганча йиғлаб юборди.

— Овозингни ўчир! — Равшаннинг таҳдидли овози унинг унини ўчирди. — Бўлмаса сени ҳам...

Олдин ҳовлидаги катта анжир остини ковлашди. Ер қаттиқроқ экан, чуқур саёз бўлиб қолди.

Кейин ҳожатхона ёнидан жой қилишди. Латтага ўралган жасадни шу ерга кўмиб, устига ахлат ташлашди...

— Акангнинг ўлигини кўмганимизни ҳеч кимга айтма, — қизчасига уқтирди Мавлуда. — Уни сўраганларга Қозоғистонга ишлагани кетган дегин, хўпми?! Бўлмаса мени, Равшан акангни қамаб қўйишади, сизлар кўчада оч-наҳор қоласизлар.

Ким ва қандай бўлмасин, тирик жонни сўровчилар бўлади. Рустамни сўраганларга она бўлмиш Мавлуда ҳеч сир бой бермай, «80 минг сўм қарз олиб бердим, Қозоғистонга ишлагани кетди», деб юрди. Лекин... Равшан ўзгариб қолди. Кечалари ухлолмай чиқар, алаҳсирарди. Худди акасининг руҳи уни безовта қилаётгандек. Қўрқувни енгиш учун ичкиликбозликка берилди, мактабга бормай қўйди... Бемаза қилиқлари ҳовлига кўмилган акасиникидан ҳам ортиб тушди. Мавлуда худди ёмғирдан қочиб дўлга тутилган ва бунга ўзи сабабчи эканлигини, ўз боласи жонини олганлиги учун Худо қаҳрига дучор бўлганлигини идрок қила бошлади... Мавлуда ўзи бош бўлган мудҳиш қотиллик ҳақидаги сирни сақлай олмади. Таҳдирга тан бериб, милиция идорасига борди...

Тасаввур қилиш ҳам оғир бўлган юқоридаги ёвузлик нега содир бўлди? Бева бир аёл нега ёвуз онага айланиб қолди? Асосий сабаблар тергов ва суд жараёнида аниқланиб, ўз тўғишганлари жонига қасд қилган она ва ука тегишлича жазога тортилди. Онасиз қолган фарзандлар давлат қарамоғига олинди.

Энг фожиалиси, онанинг ўз фарзандини ўлдиришдек ёвуз режасини амалга оширишга бошқа бир фарзандини шерик қилганлиги. Ҳали балоғат ёшига етмай туриб, қотилга айланган, катта ҳаёт остонасидаёқ темир панжара ортига тушган Равшаннинг келгуси тақдири қандай кечади?

А.ТУРҒУНОВ,
Фарғона вилоят прокуратураси бўлим прокурори.
Холиқназар ЖЎРАБОЕВ,
журналист

Ўз бўркидаги ўғирлик

Ҳужжатларда «ҳеч қаерда ишламайди», дея эътироф этилган Ғ.Тоғаев мазкур жиноий гуруҳда «самарали» меҳнат киладиганлардан эди. У аввалига «Бухоротекс» хиссадорлик жамиятининг «қўриклов» бўлими бригадири З.Шарипов, 1-йигирув-тикув фабрикаси устаси Ж.Бобоев, кўриклаш бўлими ходими У.Бақоев, ҳайдовчи Н.Ғуломовлар билан «ҳамкорлик»да ишлади. Кейинчалик жиноий гуруҳ С.Болтаев, Ҳ.Бобоқулов, Р.Қиличев, М.Неков, А.Очилов, Б.Бозоров, Ш.Асадовлар ҳисобига янада кенгайди. «Бухоротекс»дан қинғир йўллар билан ўмариб чиқилаётган маҳсулот «тегишли харидор»ларга пулланиб, жиноятчилар чўнтагини қалпайтириб бораверди.

Бир-бирининг ноқонуний хатти-ҳаракатидан хабардор жиноий гуруҳ аъзолари гўё эзгу бир мақсад йўлида мусобакалашаётгандек эди. Энг ачинарлиси, ўз бўрки (уйи)ни тунаётган соқчилар шу корхонада ишлаб, оила, бола-чақа боқаётганида...

Мазкур жиноий гуруҳ таркибида бўлмиш Ҳ.Бобоқулов «кўпнинг қозонидан бир яласам ҳеч нима бўлмайди», деган хаёлга бориб, эски таниши Ғ.Тоғаевнинг қўл телефонига қўнғироқ қилди:

— Агар одамини топсанг битта «ёмкост» бор. Ҳар ҳолда чой пули дегандек...

— Оладиган одам-ку топилар, бироқ уни олиб чиқиш...

Ғани Тоғаев бу каби «иш»ларда анча пишиқ. Шунинг учун юк крани ва автомашинани зудлик билан топиб, жамиятнинг 12-постига олиб борди. Буни қараңгки, жамият девори устидан 1100 литр сиғимли «ёмкост»ни юклаб, ўғирлаб кетишганини «ҳеч ким кўрмади».

Жондордаги «Нозимбек» хусусий корхонаси 1996 йилда фаолиятини бошлаган. Фирмага 2002 йилда ишнинг кўзини биладиган тадбиркор аёл Назира Худойбердиева (исм-фамилия ўзгартирилди) раҳбар бўлгач, ишлар ўнгланиб кетди. 21 нафар ишчи, 15-16 нафар шогирдлар иш билан таъминланди.

Мазкур фирма тикувчилик ва сочиқ ишлаб чиқариш билан шуғулланарди. «Нозимбек»нинг ҳисоб рақами Бухоро шаҳридаги ТИФ «Миллий банк» филиалида очилган. Назира опа раҳбар бўлса ҳам негадир банкда 2004-2006 йиллар давомида Шуҳрат Бобоев, 2007 йилда эса Суннат Усмоновларнинг имзолар намунасини ўтказдирган. Фарғона вилоятидан «Уч хумо» ва «Аҳмадбек» хусусий корхоналари, Олот туманидаги «Асилтекс» масъулияти чекланган жамият билан ҳамкорликда ишлаб келган Н.Худойбердиева ишнинг рафтини олгач, фаолият кўламини кенгайтирмоқчи бўлди. Бунинг нимаси ёмон?! Тадбиркорликка давлат томонидан кенг йўл очиб берилди. Тадбиркор қонуний фаолият юритса етарли. Ҳам ўзи, ҳам жамият фойда кўради. Аммо Н.Худойбердиева даромад «тегирмонини» шахсий манфаати томонга бурди.

Биринчидан, фирма томонидан 2007 йил 1-ярим йиллик солиқ ҳисоботларида ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмини 32 млн. 75 минг сўмга камайтириб кўрсатиш натижасида 3 млн. 207,5 минг сўмлик давлат томонидан белгиланган ягона солиқ тўловларини тўлашдан қасддан бўйин товлаган.

Иккинчидан, ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари томонидан ўтказилган тадбирда тўхтатилган автомобиль ҳайдовчиси Бахтиёр Бозоров «Бухоротекс» ОТХЖда ишлаб чиқарилган йигирилган 131 дона ҳеч қандай ҳужжатсиз калава ип маҳсулотларини «Нозимбек» хусусий фирмасига олиб кетаётганлиги аниқланди. Фирманинг цехида тегишли кирим ҳужжатлари бўлмаган 12 минг 400 дона 7 млн. 440 минг сўмлик тайёр сочиқ маҳсулоти, 2028 килограмм 2 млн. 328 минг сўмлик ярим тайёр сочиқ ва 2428 килограмм 45 млн. 38,6 минг сўмлик йигирилган ип, жами 54 млн. 806,6 минг сўмлик маҳсулотлар сақланаётганлиги изоҳ талаб этади.

Давлат бюджетига тўланиши лозим бўлган миллионлаб сўм солиқ ва мажбурий тўловларни тўламаган «фирмачи» опа янги «мижоз» сифатида жиноий гуруҳга қўшилиб қолганини ўзи ҳам билмай қолди. Тадбиркор опа билиб-билмай товаррлар савдоси ва хизмат кўрсатиш қоидаларини бузгани етмаганидек, ўта муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳужжатларни йўқ қилиш, муайян ҳуқуқ берадиган расмий ҳужжатларга сохта ёзувлар киритиш, ҳужжатларнинг сохта эканлигини билиб туриб уларни тақдим этиш жиноятларига қўл уради.

Ҳеч қаерда ишламайдиган Ғани Тоғаев билан жиноий тил бириктирган Н.Худойбердиева 2007 йилнинг июнь-август ойларида «Бухоротекс» ҳиссадорлик жамиятига тегишли бўлган 3950 килограмм 5 млн. 487 минг 300 сўмлик бўялмаган ипкалаваларни шунчаки оғзаки келишувга асосан ҳар бир килограммини 1700 сўмдан харид қилганида «бу ҳужжатсиз маҳсулот» ноқонуний йўллар билан келганини, қилаётган хаттиҳаракати яна бир жиноят занжирини мустаҳкамлаётганини наҳотки англамади экан?

Ғ.Тоғаевнинг тергов материалидаги кўрсатмасидан: «Нерж бочкани сотиш учун мен, С.Болтаев, Ҳ.Бобоқулов, А.Жабборовлар Ғиждувон туманига бордик. Азаматнинг таниши Шурикка «товар»ни 2 млн. сўмга пулладик. 1 млн. 500 минг сўм Ҳусниддинга, 70 минг сўм ҳайдовчига, 20 минг сўмни кранчига бердим. Қолган 410 минг сўмни Сано ака билан бўлиб олдик».

Жиноятчилар ўз манфаатларини, текин бойлик орттиришни, «улуш»ни тенг тақсимлашни, ҳамма-ҳаммасини ўйлашдию, бироқ «бировнинг» мулкига кўз ойлатириш ниёнат эканлигини, ҳар қандай жиноят жазосиз қолмаслигини ҳеч ҳам ўйлаб кўришмаганди. Асосийси, соқчилар бурч масъулиятини унутишди. Туздан ёб тузлуққа тупиришди.

Катта бир жиноий гуруҳнинг қилмишлари тафсилотини бир мақолада тўла бериб ўтирмадик. Аммо қонун жиноятчиларни ўз талаби доирасида жазолаши муқаррар. Зеро, қонундан қочиб қутулиб бўлмаслигини суднинг қора курсисига ўтирган киши албатта билади.

Бобир СОБИРОВ,
Бухоро вилоят прокурори катта ёрдамчиси.
Моҳира ШАКАРОВА, журналист

Мэр қамалди

Сешанба куни Самара вилоят суди Тольятти шаҳрининг собиқ мэри Николай Уткинни етти йил қамоқ жазосига ҳукм қилди, деб хабар беради «Риа Новости» агентлиги. Жазони ўташдан ташқари, собиқ мэри икки йил давлат бошқарув тизимида ишлашдан маҳрум этилиб, 200 минг рубл миқдорида жарима тўлашга ҳам мажбур. Давлат айбловчиси эса Уткинга 9,5 йил қамоқ жазоси берилиб, 300 минг рубл миқдорида жарима тайинланишини талаб қилганди.

Унинг ҳимоячилари суднинг ҳукмини ноҳақ деб таъкидлаб, Олий судга мурожаат қилишларини билдиришди. Уткин эса бу ҳукм унга ўлим билан баробар деб ҳисоблаб, бу соғлиғи билан қамоқда шунча йил чидай олмаслигини айтган.

Николай Уткин 2007 йилнинг май ойида ҳибсга олинганди. У билан бирга Тольятти маъмуриятининг ер ажратиш бошқармаси бошлиғи Наталья Немих ҳамда унинг турмуш ўртоғи Александр Сидоровлар ҳам ушланганди. Уларнинг ҳаракатлари ҳам порахўрлик жиноятини содир этганликда айбланган. Бундан ташқари собиқ мэр ўз мансаб ваколатини суиистеъмол қилганликда ҳам айбланди.

Автобус чўкиб кетди

Сешанба куни Хитойнинг Гуйчжоу вилоятида йўловчи автобус дарёга қулаб тушди. Автоҳалокат натижасида 19 киши ҳалок бўлган, 13 киши турли даражадаги тан жароҳатлари олган. Хабарларда айтилишича, Чишуй шаҳридан Цзунига 33 нафар йўловчи билан йўлга тушган автобус ичида нечта одам бўлганлиги номаълум, чунки у йўлма-йўл бекатларда тўхтаб келган. Автоҳалокат йўлнинг тоғдан ўтадиган жойида рўй берган. Айни дамда автобус ҳалокати жойида қутқарув ва қидирув ишлари олиб борилмоқда.

2008 йилда Хитойнинг бир қатор вилоятларида қор мавсумий меъёрдан кўпроқ ёғиб, транспорт воситалари қатновига қийинчилик туғдирган. Гуйчжоу вилояти шулар сирасига киради, деб хабар қилади «France Presse» ахборот агентлиги.

Қўшимча кўч тинчлик оғилими?



Австралиянинг 350 нафар қўшимча ҳарбий контингенти Шарқий Тиморга жўнатилди. Австралия ҳукумати Шарқий Тимор Президенти Жозе Рамуш-Орту ва бош вазир Шанан Гужмага қарши қилинган суиқасдга жавоб тарзида бу ерга қўшимча қўшин жўнатишга қарор қилган. 200 нафар аскар ва полициячилар Тиморга самолётда, 150 таси эса ҳарбий кемаларда келтирилган. Австралия Ташқи ишлар вазири Стивен Смитнинг айтишича, ҳарбийлар Шарқий Тимор Президентига суиқасд қилган жангарилларни ҳибсга олишга, шунингдек мамлакатда тинчлик ва барқарорликни таъминлашга кўмаклашадилар. Таъкидлаш керакки, Шарқий Тимор Президентининг хавфсизлиги мамлакатдаги тинчликпарвар ҳарбий кучлари зиммасига юклатилган.

Шарқий Тимор Мудофаа вазири генерал Таур Матан Руак Президентнинг шахсий хавфсизлиги топширилган БМТ тинчликпарвар кучлари фаолиятига бир мунча шубҳа билдирди. Руак қандай қилиб қуролланган шахсларга тўла автомашиналар шаҳарга кириб олиб, ҳеч бир тўсиқсиз Президент ҳамда бош вазир қароргоҳларига етиб олишлари мумкинлигига ҳайрон. Унинг айтишича, бу ҳолат халқаро текширишни талаб этади.

2006 йилда Шарқий Тиморга киритилган БМТ тинчликпарвар кучлари 1700 кишини ташкил этади. Улардан 1000 таси Австралия аскарларидир. БМТ хавфсизлик кенгаши Президент Рамуш-Ортуга қилинган суиқасддан қаттиқ ташвишга тушганини билдириб, Шарқий Тимордаги барча партияларни мамлакатда тартибни сақлаб қолиш мақсадида ҳукумат билан бирлашишга чақирди. Эслатиб ўтамиз, Президент Жозе Рамуш-Орту 11 февраль куни, унинг Дилидаги қароргоҳига бостириб кирган бир гуруҳ жангарилар таҳдиди оқибатида яраланганди. Ҳужум бартараф этилиб, Президентга тиббий ёрдам кўрсатилган. Яна бир гуруҳ жангарилар айнан шу куни мамлакат бош вазири қароргоҳига ҳужум қилган, деб хабар беради «AFP» ахборот агентлиги.

Тажанг касаба уюшмачилар

«France Presse» ахборот агентлигининг хабар беришича, француз диспетчерлари ҳукумат билан ўтказилган музокаралар самарасиз якун топгач, янги норозилик намойишлар ўтказишни эълон қилишди. 18 февралдан 22 февралгача намойишлар Орли шаҳрида бўлиб ўтади. Ати-Моне ҳамда Шарль де Гольдаги намойишлар санаси ҳали белгиланмаган. Касаба уюшмаси вакилларини айблаётган Фуқаро авиацияси бош бошқармаси ходимининг айтишича, томонлар талаблари бир-бирига зид. Бу ҳолда ўзаро битимга келиш қийин кечади.

Авиадиспетчерлар манфаатини кўзлаётган «CGT» касаба уюшмаси раҳбарининг таъкидлашича, музокаралар «CGT» томонидан янги таклифлар киритилишига қарамай самарасиз ўтди. Эслатиш жоизки, авиадиспетчерлар Париж ҳудудидаги диспетчерлик хизматларининг қайта ташкил этилишига, хусусан, учта диспетчерлик марказини (Орли, Шарль де Голь ва Ати-Мони) бирлаштириш борасида олиб борилаётган ислоҳотларга қарши чиқишмоқда.

Миллийлаштириш қоидалари

Сешанба куни Венесуэлланинг «Petroleo de Venesuela» давлат нефт компанияси Американинг «ExxonMobil» компаниясига нефт маҳсулотларини етказиб беришни тўхтатиши ҳақида баёнот берди. Расмий маълумотларда айтилишича, мазкур чоралар «ExxonMobil» компаниясининг иқтисодий-ҳуқуқий тажовузи туфайли қўлланилган. Таъкидлаш жоизки, нефт маҳсулотларини етказиб бериш тўхтатилиши тўғрисида бундан бир неча кун аввал Венесуэлла Президенти Уго Чавес ҳам гапирган эди.

Гап шундаки, Лондон олий суди «ExxonMobil» компаниясининг илтимосига биноан, Венесуэлла давлат нефт компаниясининг 12 миллиардлик маблағини «музлатиб» қўйган. «ExxonMobil» Венесуэлла Президенти Чавеснинг мамлакатнинг нефт қазиб олиш соҳасини миллийлаштириш доирасида янги қоида ўрнатгани сабаб судга мурожаат қилганди. Мазкур қоидага кўра, Венесуэлла ҳудудида нефтни қазиб олиш фаолияти билан шуғулланувчи барча компанияларнинг 60 фоиз маблағи давлат ҳисобига ўтади. «ExxonMobil»дан ташқари АҚШнинг яна бир компанияси, жумладан «ConocoPhilips» ҳам Венесуэллани тарк этишга қарор қилган. Бироқ, Норвегиянинг «Statoil», Францияннинг «Total» ва яна бошқа шу соҳада фаолият юритувчи компаниялар миллийлаштириш шартларига рози бўлишди, деб хабар беради «France Presse» ахборот агентлиги.

МАФИЯГА ҚАРШИ

12 февраль куни кенг кўламли махсус операция доирасида Италия полициясининг мафияга алоқадорликда гумон қилинган 41 кишини ҳибсга олди. «France Presse» ахборот агентлигининг хабар беришича, ушланганларнинг уч нафари полиция зобитларидир. Аксарият ҳибслар Неаполь яқинидаги Казерта вилоятида амалга оширилди.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар вакилларининг айтишича, барча ушланганлар «La Torre» жиноий гуруҳи аъзоларидир. Улар таъмагирлик ҳамда наркотик моддаларнинг ноқонуний айланишига алоқадорликда айбланмоқдалар. Маълумотларга қараганда, ҳибсга олинган уч нафар полициячилар эса рэкет(таъмагирлик) жиноятидан зарар кўрган тадбиркорни расмий ариза бермасликка кўндиришга ҳаракат қилганлар.

Оммавий ҳибслар Италиядаги 30 та энг хавфли жиноятчилар қаторига кирадиган Винченцо Личчиарди ушланганидан сўнг бошлаб юборилди. Мамлакат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари тахминига кўра, Личчиарди Неаполдаги уюшган жиноий гуруҳ бошлиғидир. У ўз турмуш ўртоғи билан 7 февраль куни ҳибсга олинган. Винченцо уюшган жиноий гуруҳга 1994 йили мафиянинг ундан олдинги бошлиғи, ўзининг туғишган акаси Женнаро Личчиарди ўлганидан сўнг раҳбарлик қила бошлайди. «La Torre» жиноий гуруҳи Неаполнинг «Каморра» жиноий уюшмаси таркибига кирган. Шунингдек, «Каморра»га бундан ташқари яна бир нечта гуруҳлар кириб, уюшма аъзоларининг умумий сони беш мингга етган. Мазкур жиноий уюшма сўнгги йилларда Неаполда содир этилган юзлаб қотилликларга алоқадордир. Таъкидлаш жоизки, 2006 йил ноябрь ойининг сўнгги 10 кунлиги ичида мазкур жиноий ташкилот томонидан 12 киши ўлдирилганди.

Яна портлаш

Сурия пойтахти Дамашқнинг аҳоли тураржойи қисмида 12 февраль куни кечқурун кучли портлаш рўй берди. «Reuters» ахборот агентлигининг хабар беришича, портловчи мослама Эрон мактаби, Сурия разведкаси ҳамда полиция маҳкамаси жойлашган бино яқинида ишга туширилган. Дастлабки маълумотларга кўра, портлаш натижасида бир киши ҳалок бўлган.

Шуни таъкидлаш керакки, сўнгги йилларда Сурияда бундай ҳолатлар тез-тез учраб турибди. Ўз сиёсий манфаати йўлида турли гуруҳлар террорчилик ҳаракатларини содир этишмоқда. Албатта, бу тажовузлар натижасида аксарият ҳолда тинч аҳоли вакиллари қурбон бўлишаяпти.



Бу сафар ўхшамади

Москвада икки нафар талаба қизнинг ўғирланишини ташкил этганликда гумон қилинган бир гуруҳ ёшлар ҳибсга олинди, деб хабар қилади «Интерфакс» ахборот агентлиги.

Россия Федерацияси прокуратураси қошидаги тергов қўмитаси матбуот хизмати хабарига кўра, 24 январь куни ёш йигитлар икки автомашинада МДХАИ (Москва Давлат Халқаро Алоқалар институти) биноси ёнида талаба қизни ўғирлаб, уни гаражга қамаб қўйишган. Шундан сўнг жиноятчилар қизнинг қўл телефонидан унинг отасига қўнғироқ қилиб, озодлик эвазига 60 минг АҚШ доллари миқдорида пул талаб қилишган. Таъкидлаш жоизки, 2007 йилнинг октябрь ойида ҳам ёш жиноятчилар худди шу турдаги жиноятни содир этишганди. Ўшанда улар МДХАИнинг бошқа бир талаба қизини гаровга олиб, озод қилиш эвазига 50 минг АҚШ доллари миқдорида пул олишганди. Лекин, бу сафар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг тезкор ҳаракатлари боис, жабрланувчи озод қилиниб, жиноятчилар ҳибсга олинди. Одам ўғирлаш тўғрисидаги иккита жиноят иши биттага бирлаштирилди. Енгил пул топаман деб қинғир йўлга кирган «ёш ишбилармонлар»нинг ҳар бири Россия жиноят қонунчилигига биноан 15 йилгача қамоқ жазосига ҳукм қилиниши мумкин.

Бошга бош

«Толибон» ҳаракати улар томонидан ўғирланган Покистоннинг Афғонистондаги элчиси Тарик Азизуддинни ҳаракатнинг фаол қўмондонларидан бири Мансур Дадулла алмаштиришни таклиф қилди.

Дадулла 11 февраль куни Покистоннинг Белужистон вилоятида ҳибсга олиниб, мамлакат хавфсизлик хизмати қўлига топширилган. Кобулга кетаётган Покистоннинг Афғонистондаги элчиси Тарик Азизуддин эса Ҳайбар туманида ўғирлаб кетилган, деб хабар қилади «AFP» ахборот агентлиги.

Мансур Дадулла 2007 йилда ўлдирилган, «Толибон» ҳаракатининг юқори лавозимли дала қўмондони Мулла Дадулланинг кичик укаси ва ворисидир. Покистон полициясининг айтишича, 2008 йилнинг январида Дадулла ҳарбийлардан қутилиб қолишга муваффақ бўлган. У билан бирга бўлган икки нафар жангари тўқнашувда ҳалок бўлган. 2007 йилнинг декабрида «Толибон» ҳаракати вакили Мансур Дадулла буйруқларга бўйсунмаганлиги учун дала-қўмондони лавозимидан четлаштирилганини маълум қилган, ўз навбатида Дадулла вакили бу маълумотни инкор этганди.

«Internet» хабарлари асосида ТДЮИ талабаси Сардор БОЗОРОВ тайёрлади

АЁЛ ИЗИ

Сафар КАТТАБОЕВ

(Давоми. Боши ўтган сонларда).

— Бола шу қотилликни кўрган ёки бирон нарсани сезган. Бекорга унинг лабидан учқ чиқмаган. Яхшиси бола билан ўзларингиз гаплашинглар, бизлар аралашмаймиз. Ботир барибир бўйнига олади, агарда у бу бола ҳам биларди ёки сезганди деса, унда Сизлар ҳам жавоб берасизлар.

Болакайни ота-онаси бошқа хонага олиб кириб кетишди ва бир пасдан сўнг бизни чақиришди.

— Ўша кечаси ҳақиқатан ҳам Ботир билан Азиза келган экан, лекин Нигора деган аёлни кўрмаганман деяпти.

Болакайдан аста-секин сўраб билиб оламиз. Ўша куни кечга яқин Ботир бир ўзи келиб кетган. Кечаси соат 8 ларда яна келган ва у билан телевизор кўриб ўтирган. Телевизорда «Муҳаббат эҳтироси» фильми намойиш қилинган. Бир пасдан сўнг бир кишими ёки икки кишининг ҳовлига кириб келган овози эшитилган. Лекин улар бир-бири билан гаплашмай ўтишган, шунинг учун улар аёлми ёки эркакмиди билмаган. Бола «Ботир ака, кимдир келди, қарайми» деганда, Ботир «йўқ, ўтиравер, менинг танишларим» деган ва бир пасдан сўнг хонадан чиқа туриб, «сен ҳовлига чиқмай тур» деб огоҳлантирган. Кейин ўзи ҳам ҳовли тўрига ўтиб кетган.

Қўшни хонада аввал ўзаро гурунг овози эшитилган ва бир пасдан сўнг бирданига бўғиқ қўрқинчли қичқирган овоз эшитилган ва тапур-тупур бошланган. Қичқирган овоз аёлникими ёки эркакникими фарқлай олмаган. Кейин бирдан ҳаммаёқ тинчиб қолган. Унга Ботир чиқмай ўтир деганлиги учун хонадан чиқмаган. Бироздан сўнг хонага Азиза кирган ва сигарет чекиб, у билан ярим соатлар телевизор кўриб ўтирган. Кейин яна кимдир келган ва Азиза ҳам чиқиб кетган. Бироздан сўнг Азиза яна кирган ва ярим соатлар ўтириб эшикни ичкаридан қулфлаб ол, бизнинг келганимизни ҳеч кимга айтма деб қайта-қайта тайинлаб чиқиб кетган. Ташқари эшикни ичкаридан қулфлаб ҳожатхонага борса, унинг ичи тўла тутун бўлган. Нимадир ёқишгани билиниб турган. Аммо ўша куни кечаси Азиза ва Ботирдан бошқа ҳеч кимни кўрмаган. Билгани шу.

Биз учун шунинг ўзи етарли эди. Тезда «моделлаштирамиз», яъни ҳаракатларни ва воқеаларни бир-бирига улаб, мантиқий хулоса чиқарамиз ва қуйидагича ҳолатни тасаввур қиламиз.

Яъни, аввал Ботир кириб болани чалғитиб турган. Азиза билан Нигора унинг хонасига ўтгач, у ҳам уларнинг орқасидан кирган ва бироздан сўнг Нигорани ўлдиришган. Шундан кейин Ботир велосипед олиб келишга танишиникига кетган, у велосипедни олиб келгунча Азиза хонага кириб болани чалғитиб турган. Кейин улар мурдани велосипедга ортган ва ҳовлидан чиқгунча яна Азиза хонага кириб болани чалғитиб турган. Қотиллик изларини яшириш учун эса ўзларига керак бўлмаган Нигоранинг қайсидир нарсасини ҳожатхонада ёқиб юборишган. Тамом вассалом.

Жиноят фошқилинаётганидан қайфияти кўтарилган жиноят қидирув ходими хурсанд бир аҳволда, Ботирга баланд овозда, қани қўлларингни бер-чи, дейди. У бир қўлини чўзади. Аммо, ходим икки қўлингни ҳам бер, қўш-қўллаб кўришайлик «братишка», дейди. У икки қўлини ҳам олдинга чўзиши билан Ботирнинг қўлига чаққонлик билан кўл кишанни уради. Буни уларнинг тилида «психологик эффект» дейишади.

— Юр, сен билан энди ака-укаларча гаплашмасак бўлмайди, — милиция ходимлари уни олиб кетишади.

Демак, тезда яна Азизани сўроқ қилиш керак. Унгача худо хоҳласа Ботирбой ҳам бўйнига олиб қолар. Шундай бўлса-да у билан юзлаштириш учун Тўхтасинни ота-онаси билан милиция бўлимига жўнатдик.

Кета туриб, жиноят қидирув ходимларидан бири менга секин шипшийди. Бу ҳақда ҳозирча ҳеч кимга ҳеч нарса демай туринг, бўлмаса вилоят ички ишлар бошқармасидан келганлар ёпирилиб келишади ва жиноятни биз очдик, деб улоқни олиб қочишади. Уларнинг ҳали бу аниқланган ҳолатлардан хабари йўқ, ўзларича Нигоранинг ўйнашларини қувиб юришибди.

Орадан бир соат ўтар-ўтмас милиция ходимлари тапур-тупур этиб келиб қолишди ва Ботирни итариб хонага киритишар экан дейишди:

— Мана таппа-тайёр. Бемалол сўроқ қилавернг.Эс-ҳуши жойида. Ўзи ақлли бола экан,Тўхтасин билан юзлашгандан бирданига бўйнига олди. Биз бунинг қайнонаси билан шуғулланаверайлик-чи, ҳали, у ойимча, анча ноз қиладиганга ўхшайди.

Унга савол бераман.

— Нега уйингда бўйнингга олмадинг?

— Мен Тўхтасин айтмайди деб ўйлаган эдим. Агар айтсанг ота-онанг билан бирга уйдан чиқариб юбораман деб бугун қўрқитувдим ҳам.

— Хўш, бўлар иш бўпти, энди гапир-чи, нима воқеа бўлди, бошидан, батафсил. Сен бу оила билан қандай танишсан, нега Дилнозага уйланмоқчи бўлиб қолдинг.

Аввал Ботир қарахт аҳволда бир оз жим ўтирди. Кейин тўсатдан савол берди.

— Мени Ҳамид қамалган зонага юборинглар, у билан ҳисоб-китоб қилишим керак.

— Ким у Ҳамид, тушунтириб гапирсанг-чи.

—Ҳамид, менинг онамни ва опамни ўлдирган, унга 15 йил беришган, ҳозир қамоқда ўтирибди.

— Бу воқеа қачон бўлган, бунинг Нигоранинг ўлдирилишига нима алоқаси бор? Агар Ҳамид деган сенинг онанг ва опангни ўлдирган бўлса, ахир терговда, судда қатнашгандирсан, нега яна ўзинг қотиллик қилдинг? Одам ўлдириш учун қаттиқ жазо берилишини биласан-ку.

— Биламан, лекин Ҳамидни отишга ҳукм қилишмади-ку. Ариза ёзмаган жойимиз қолмади. Мени ҳам барибир отишмайди.

— Ҳеч нарсани тушунмаяпман. — Ким у Ҳамид, бу воқеа нечанчи йили, қаерда бўлган, ким тергов ва суд қилди, тушунтириб гапирсанг-чи.

— Бу воқеага икки йилдан кўп бўлди. Менинг иккинчи опам ҳомиладор бўлиб туғиб қўйди. Кейин билсак, қўшни тумандаги Ҳамид деган бир «бизнесмен» билан юрган экан. Унинг 3 та боласи бор экан. У «бола мендан эмас, олмайман» деб туриб олди. Онамлар прокуратурага ариза ёзишди, экспертизадан ўтказишди, охири бола ундан эканлигини Ҳамид тан олди, аммо опамга уйланмади. Биз жанжал қилаверганимиздан сўнг шаҳардан икки хонали уй олиб берди, алимент ҳам тўлаб юраверди. Лекин бошқа ёрдам бермади. Қачонки онам билан опам унинг уйига бориб жанжал қилишса у-бу нарса берар эди. Охирги марта яна жанжал қилиб унинг уйига боришганда, Ҳамид болта билан опамни ҳам, онамни ҳам чопиб ташлабди. Онам ўша жойнинг ўзида ўлди, опам бир ҳафтадан сўнг касалхонада ўлди. — Бизлар талаб қилсак ҳам, суд, онанг ва опанг шантаж қилавериб, жанжал қилавериб бунинг асабига теккан деб уни отишга ҳукм қилишмай, 15 йил беришди.

Отам бизни онамга ташлаб кетиб бошқага уйланган. Онам шу «Субҳидам» меҳмонхонасида ишлаган, ҳақиқатан ҳам жанжалкаш эди.

Шундан кейин мен катта опам билан яшай бошладим. Лекин катта опамнинг отаси бошқа, онамнинг аввалги эридан. Катта опам мени ёқтирмас эди. Азиза опанинг онаси билан менинг онам битта меҳмонхонада ишлашгани учун дугона бўлишган ва шу орқали Азиза опаларни танийман. Уларникига бориб-келиб турар эдим.

Мен Азиза опаларникига келиб бир неча кун ётиб кетардим. У кишининг Дилноза деган қизини яхши кўриб қолдим ва қисқаси уни менга унаштиришди.

Азиза опа эри билан тез-тез уришиб турар эди. Эри қаердадир шофёр бўлиб ишлар, бир ой ишласа уч ой иш топаолмай юрар эди.

Бир куни Азиза опа одамлардан бир миллион сўмдан кўпроққарз бўлгани, қарзи ошиб кетаётгани, чунки одамлардан «процентга» пул олгани, ўзи арзимаган ойлик олиши, ўзининг юриш-туриши, овқатига етмаслиги,эрининг топгани ҳам ҳеч нарсага етмаслиги, бу аҳволда ҳеч қачон қарзларидан қутила олмаслиги, агарда қўшни уйда яшовчи тилла тақинчоқлар билан савдо қилувчи Нигорани ўлдириб нарсаларини олсак ҳамма қарзлардан қутилган бўлардик деб қолди.

Мен қандай қилиб унинг уйига кирамиз деган эдим, уйига кириш шарт эмас, Нигора тақинчоқларини ҳамиша тақиб юради, бўйнидаги йўғон тилло тросининг ўзи 400 минг сўм туради, уни алдаб бир жойга олиб бориб ўлдирамиз деди. Шундан кейин уни ўлдириш режасини туза бошладик.

Ўша куни ҳовлимизда ижарада турган киши хотини билан иккаласи мева-чева олиб келиш учун Самарқандга кетаётгани, жуда кеч келиши, бўлмаса эртасига келиши мумкинлигини айтди. Мен бу ҳақда Азиза опага айтган эдим, у «қулай пайт, сен ҳовлида кутиб тур, мен Нигорани алдаб ўша ерга олиб бораман» деди.

Мен ҳовлига бориб Тўхтасинни гап билан чалғитиб турдим. Азиза опа Нигорани эргаштириб ўтиб кетгач, Тўхтасинга «ҳовлига чиқма уйда ўтир» деб, уларнинг орқасидан кирдим. Азиза опа билан Нигора ўзаро секин гурунг қилиб ўтиришган экан, шу пайт мен кириб борган эдим, Нигора ҳайрон бўлиб менга қаради. Азиза опа «у киши ҳозир келади» деб кимнингдир отини айтди.

Азиза опа билан ўзаро келишганимизга кўра «Нигора опа бўйнингизга нима қилган» деб сўрадим. Нигора опа «қани, қани» деб сўраган эди, мен «мана бу томонингизда» дедим. Нигора опа нариги томонига қараган эди, мен шартта томоғидан бўға бошладим. Нигора опа бақирмоқчи бўлиб «Аз...Ази...» деди, менимча Азиза опа демоқчи бўлди, шунда Азиза опа қўллари билан унинг оғзини ёпди. Менинг кўзим Нигора опанинг кўзига тушиши билан қўлим бўшашиб кетди, менга Азиза опа «кўзига қарама раҳминг келади» деб аввал ўргатган эди, лекин барибир қандайқилиб кўзига қараганимни билмай қолдим. Менинг қўлим унинг бўйнидан чиқиши билан уни Азиза опа бўға бошлади ва менга «бошига бирон нарса билан ур», деб бақиди. Мен Нигоранинг бошига бир неча марта муштим билан уриб, сўнг деразада осилиб турган телефон симини шартта узиб олиб Нигорани бўға бошладим. Бир пасдан сўнг Нигора опа типирчиламай жим бўлиб қолди. Мен қўрқиб қолдим.

Азиза опа ҳам қўрқиб қолди, лекин бирдан ўзига келиб Нигоранинг бўйнидаги тросини шартта тортиб узиб олди, қулоқлари ва қўлларидаги тақинчоқларни ҳам ечиб олди. Мен «буни нима қиламиз» деб Нигорани кўрсатган эдим, Азиза опа довдираб қолди. Чунки ўлдиргандан сўнг жасадни нима қилишни ўйламаган эканмиз. Азиза опа «эрталаб тонг пайти биронта машина олиб келиб йўқотамиз» деди. Мен «уйнинг эгалари келиб қолса нима қиламиз» деган эдим, Азиза опа «бирон улов топиб кел, узоқроққа олиб бориб ташлайсан» деди.

Менинг бирдан Жасурнинг велосипеди эсимга тушди ва уникига бориб олиб келдим. Нигоранинг жасадини чойшабга ўраб телефон симини ҳам чойшаб устидан айлантириб боғладик. Кейин жасадни рул устига ётқизиб «Субҳидам» меҳмонхонасининг орқасига олиб бориб ташладим, ўзим Азиза опанинг уйига келдим. Азиза опа «бугун ухлайолмасам керак, уйқу дори олиб кел» деди. Мен велосипед билан аптекадан дори олиб келиб бердим. Эртасига велосипедни эгасига олиб бориб бердим. Бўлган воқеа шу.

— Нигоранинг тилло тақинчоқлари, сумкаси, оёқ кийимлари қаерда?

— Билмайман, ҳаммасини Азиза опа билади. Менга ҳеч нарса бергани йўқ. Берса ҳам олмасдим. Мен Азиза опага раҳмим келганидан шу ишни қилдим, қарзидан қутулиб олсин дедим.

Шу пайт жиноят қидирув бўлими ходимлари Азизани олиб келиб қолишди. У қўлида қўл кишан билан тушкун аҳволда ўтирган Ботирни кўриб, ҳаммасини тушунди. Аммо сир бой бермади. Ходимлардан бири унинг орқасида туриб менга қараб секин бошини чайқади ва икки бармоғини бир-бирининг устига қўяди. Демак, Азиза бўйнига олмаяпти.

Ўзимча ўйлайман, ким ҳам бирданига бўйнига оларди, бунақаси камдан-кам бўлади,айниқса аёлларда.

Хўш, қандай усул қўлласак бўлади, яхшиси гапни узоқдан бошлаб, бир гап ташлаб кўрайлик-чи, ўзини қандай тутар экан.

— Ботир ҳамма гапни айтиб берди. Қани энди Сиз гапирингчи, Ботир сен жим ўтирасан, — деб тайинлайман.

— Нимани гапираман, ёш болани уриб-уриб қилмаган ишини ҳам қилдим деб бўйнига қўйгансизлар, сизларни ҳам сўрайдиган жой бордир.

Гапининг оҳангидан, ҳеч ўйламасдан шартта гапиришидан ҳали ҳовридан тушмаганлиги ва анча руҳи баландлиги кўриниб турибди. Тушунарли, демак, уни ҳовуридан тушириш ва керакли даражагача олиб келиш керак. Бунинг учун қаршилик қилиш бефойдалигини англатиш керак, холос.

(Давоми келгуси сонда).

Huquq
yuridik gazeta

Ta'sischi:
O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi

Bosh muharrir:
Jahongir MAKSUMOV

Tahrir hay'ati:
Yusupboy G'OIPOV, Bahriddin VALIYEV, Baxtiyor NAZAROV (Bosh muharrir o'rinbosari), Svetlana ORTIQOVA, Tohir MALIK, Sherzodxon QUDRATXO'JAYEV, Fozil MAMASHARIPOV (mas'ul kotib)

Tahririyat manzili:
Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.
Telefon: 233-98-82, 233-10-53.
E-mail: huquq97@mail.ru
Faks:233-64-85, 233-10-53.

Tahririyatga kelgan qo'lyozma va suratlar egalariga qaytarilmaydi. Mualliflarning fikrlari tahririyat fikridan farqlanishi mumkin. Nashrimizdan ko'chirib bosilganda «HUQUQ»dan olinganligi ko'rsatilishi shart. Tijorat ahamiyatiga molik materiallar ** belgisi ostida chop etiladi.

Buyurtma Г — 155. 27905 nusxada bosildi. Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.

Navbatchi muharrir: D.XALILOV
Musahhih: A.MUSTAFOYEVA

Gazeta «Sharq» NMK bosmaxonasida ofset usulida chop etildi. Korxona manzili: Toshkent shahar, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta haftaning payshanba kunlari chiqadi.

Sotuvda erkin narxda

Gazeta O`zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 0188-raqam bilan ro`yxatga olingan. Nashr ko'rsatkichi — 231

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 21.00. Topshirildi: 21.00 2345678